



# ЭРТАГА — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

Бизнинг мулоқот

## ЖУРНАЛИСТ МАСЪУЛИЯТИ ВА БУРЧИ

Ўзбек журналистикаси... XXI аср бўсағасида калам соҳиблари олдида турган асосий вазифалар нималардан иборат? Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий фондининг ҳамраиси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Хуришд Дўстмухамедов билан суҳбатимиз ана шу мавзуда бўлди.

— Хуриш ака, маълумки журналистлар доим қайноқ ҳаёт жабҳасида юради, халқнинг қувончу ташвишларига шерик бўлади. Жамиятимизда рўй бераётган барча янгиликларни ислохотларни бевоқиф журналистлар халққа етказишади. Улар олдида турган вазифалар, ютуқ ва камчиликлари тўғрисидаги ўз фикрларингиз билан ҳам ўртоқлашсангиз.

— Журналистларимиз демократиянинг масъулият ва бурчини аввалгидан яхши тушуниб қолишди, қонунлар асосида ишлашни ўрганишди. Камчилик маъносиде шуни айтишим мумкинки, масалаларга тор мақсадлар, нуқтаи назарлар орқали қараш одат бўлиб қолди. Республика миқёсида, умуминсоний, глобал миқёсда ёндашувлар етишмапти. Масалан, биз мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳри муаммоларини ҳал этишимиз учун Париж, Нью-Йорк, Токио муаммоларини ўрганишимиз керак. Яъни маҳаллий муаммоларга баҳо бериш учун четга қараш керак бўлади. Журналистлар ҳам шунга аҳамият беришлари керак. Бунинг учун улар майда тўғиларга ўралашиб қолмасликлари лозим. Журналистлар онг, фикрлаш жиҳатидан доимо олдинда юрадилар. Шу жиҳатдан олганда журналистларимизнинг масалаларга фалсафий жиҳатдан баҳо беришларида жўнлик сезилмоқдаки, бу ҳол мени жуда ташвишлантиради.

— Олий Мажлис депутати сифатида айтингчи, республика парламентида оммавий ахборот воситалари ходимларининг мураккаб ва масъулиятли фаолиятлари уларга қулай иш шартларини ташкил этиш масалаларига қандай аҳамият қаратилмоқда?

— Оммавий ахборот воситалари тўғрисида қабул қилинган қонунларнинг ўзи буни аққол исботлаб турибди. Бинобарин, кейинги икки йил ичида шу соҳада бешта қонун қабул қилинди. Республика парламентида матбуотга боғлиқ яна қўлгина қонунлар ишланаяпти. Жумладан, «Журналист одоби» кодексини тайёрлаш тўғрисида тақлифлар бўляпти.

— Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий фонди томонидан журналистлар фаолиятини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳам сўзлаб берсангиз.

— Фондимиз журналистлар ўртасида турли-туман танловлар ташкил этмоқда, вилоят бўлимлари фаолиятини мунотазам равишда кенг қўллаб-қувватламоқда. Айниқса фондининг Тошкент шаҳар бўлимининг фаолияти таҳсинга сазовордир. Чунки, кейинги пайтларда шаҳар бўлими томонидан журналистикага доир иккита қўлланма тайёрланди. Биз замон талаблари асосида ўз фаолиятимизни доимий равишда такомиллаштириб бормоқдамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, мен барча журналистикамиз захматкашларини матбуот ва оммавий ахборот воситалари байрами билан чин қўнғилдан қўтайман. Қаламингиз доимо ўткир бўлаверсин, азиз ҳамкасблар!

Дилшод ИСРОИЛОВ суҳбатлашди.

Касбнома

## МЕҲНАТ ҚИЛГАН ЭЛДА АЗИЗ



Касбнинг катта-кичиги бўлмайди. Кимки ўзи танлаган бирор соҳага чин дилдан илҳос қўйиб, унинг сир-асрорларини пухта ўрганиб меҳнат қилса, кам бўлмайди. Эл ҳурматини қозониб, барака топади.

Шоҳсан болалигиданоқ ўқишга чанқок, ҳар нарсага қизиқувчан эди. Мактабдан баш бўлди, дегунча эски шаҳардаги Яхшибой ака Жалолов бошқараётган рўнома-лар дўконига бориб, газе-та-журналлар ўқиб, ҳам ёр-дамлашиб юрарди.

Орадан йиллар ўтди. Шоҳсан ўрта мактабни бити-риб, ўзи танлаган касбда меҳнат қилаётганига ҳам 25 йилдан ошди.

— Шаҳар хисдорлик жамиятининг матбуот тарка-тиш уюшмасига қарашли 190-дўкон ҳар доим муштарийлар билан гавжум бўла-ди, — дейди газетон Мир-зоҳид ака Хамидов. — Бу-нинг боиси оддий. — Шо-ҳсан Шокосимов жуда ши-ринсухан, камтарин, олижа-ноб инсон бўлиб, ҳар бир муштарийни яхши билади. Уларнинг илтимосига қўра газе-та ва журналлардан олиб қўйди. Яна бир газе-тон — Сағбон қўча, Мақола-тор қўчасида истиқомат қилувчи Муҳаббат Расулова Шоҳсан ака ҳақида шундай хикоя қилди:

— Бир ой аввал бу дўкон-

дан газе-та олаётиб сумкам-ни қолдириб кетибман. Унда муҳим ҳужжатлар ва 10 минг сўмга яқин пул бор эди. Эртаси кун кечки пайт эшигимиз қўнғироғи жири-нглаб қолди. Чиксам, бир киши турибди. «Опа, тани-мадингиз, а, паспортингиз-дан манзинингизни билиб келдим. Мана, сумкангизни оли-нинг, газетани олгач, сум-кани унутиб қолдириб кет-дингиз».

— Мен сумкамни олиб жуда қувониб кетдим. Орамизда шундай ҳалол, олижаноб инсонлар борлигидан бо-шим осмонга етди. — Ха, донлар «Емгир би-лан ер қуқаради, дуо билан эл қўқаради», деб бежиз ай-тишмаган. Шоҳсан Шокос-имов ўз камтарона меҳна-ти билан эл дўсонини олиб, ҳамшаҳарларимизга зиё та-рқатиб, хурмат-этибор то-паётган инсонлардан.

Файзулла ИСАЕВ. СУРАТДА: Шоҳсан Шокосимов эрта тондан муштарийлар хизматида. Даврон Аҳмад олган сурат.

Исми-жисмига монанд бу аёл тахририят фаҳри: Энг тажрибали, ишчан ходим. Ҳар бир топшириқни бажаришга ҳамisha ҳозир нозир. Чакқон, уддабуронлиги, одамларга меҳриғиси билан ўзгалардан ажралиб туради.

Аслида Зухра опамиз ҳақида икки оғиз ширин калом айтиш учун юқоридаги сарлавҳани танлаганимизнинг ҳам сабаби бор. Биласиз азалдан халқимизда эъзозли, дилкаш ва дилбар инсонлар айниқса, аёлларнинг ҳурмати ўрнига қўйиш маъносида унинг исми ёнига ўзига хос, монанд, қандайдир чиройли қўшимча қўшиб айтишдек яхши бир одат бор. Агар таъбир жоиз бўлса, Зухра опа Аъзамхўжаеванинг «Оқшом»нинг Зухроси» деб аталишининг боиси ҳам ана шунда. Зухра опанинг нафақат биз ҳамкасблари, балки уни билган-таниган кенг газетонлар оммаси ҳам шундай ном билан аташди.

Албатта бундай ҳурматга, шарафга сазовор бўлиш ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун ишлаш, сурункали меҳнат, одамларга қўлидан келганча яхшилик қилиш, оила-да, жамоада ҳамisha эътиборли бўлиш тақозо этилади. Биргина ифода билан айтганда Зухра опада бундай ҳис-лату фазилатларнинг бари мўжассам.

Сўз исботи билан гўзал, деганларидек, шу ўринда баъзи бир мисолларни келтирсак ўринли бўлади. «Оқшом» газеталарининг хатлар бўлими ташкил топибдики, Зухра опа Аъзамхўжаева тахририятнинг шу бўлимига бошчилик қилиб келади. Унинг қўлидан бир кунда неча-нечалаб хатлар ўтмайди, дейсиз. Уларда одамларнинг дил изхори битилган, ташвиш, тақдир битилган. Зухра опа ана шундай дардман, ёрдамга мўҳтоб дилларга малҳам то-пиш, уларнинг қувончлари-га тезроқ шерик бўлиш ис-

тига тинмай елиб-югура-ди. Бўлимларга топширил-ган ҳар бир тақдир билан қизиқади.

Очиги, камина ҳам хатга эътиборли бўлиш, тезкор-ликни Зухра опадан ўрган-ганман.

— Жоним, — дедилар бир кун Зухра опа (у киши бар-ча ходимларга шундай ши-ринсуханлик билан мурожа-ат этадилар) хонамизга ки-риб келиб, — қўлингизда учта хат бор, жавоб негадир кеч-кипяпти.

— Кечирасиз, опа, баъзи ишлар билан бўлиб...

— Одамларнинг дардидан ҳам зарур иш бор эканми?

Хатлар билан ишлаш биз газетачиларнинг асосий иш-мизуқи. Ҳар бир мактуб орқа-сида инсон тақдирини ётади. Уларга белисанд муносабат-да бўлиш ярашмайди.

Зухра опа Аъзамхўжаева-нинг мана шу танбеҳи ора-дан ўттиз йил ўтибдики, ҳамон ёдимдан чиқмайди.

Яхши китоб қўлдан қўлга ўтиб, қанча-қанча одамларга маънавий озуқа беради. Уни ўқиган одам-нинг онги янада тиникла-шиб, ана шу китобни ёз-гани инсонга раҳматлар ай-тади. Албатта, ана шундай пайтда биз — ушбу китоб-ни ўқувчиларга чиройли, сифатли, бежирим қилиб ишлаб чиқариш йўлида захмат чекаётган, изла-ниб-интилайтган матбаа ходимларини ҳам ёдга олиб қўйсақ нур устига нур бўлади.

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган Тошкент китоб-журнал фабрикаси кекса кор-хоналардан бири саналади. Ушбу корхонада 80 фойз мактаб дарсликлари, турли тақлифнома ва бланкалар, бадий китоблар, журнал ва бошқа матбаа махсулотлари ишлаб чиқариш йўлига қўйил-ган. 215 нафар ишчи-хизмат-чини бир максат йўлида бир-лаштирган ушбу жамоада 3 та асосий ва уларга қўшимча ёрдамчи цехлар фаолият кўрсатмоқда. Ҳарф терши, чоп этиш ва муқовалаш цех-ларида чиқарилаётган махсу-лотнинг сифатига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чун-ки шайб беш мезонга айлан-ган жойда махсулотнинг ҳа-риридри ҳам, буюртмачилар ҳам ана шунга яраша бўла-ди.

Бозор иқтисодиётининг, яъни сифатли, рақобатбар-дош махсулот тайёрлашнинг асосий талабларидан бири замонвий технология асоси-да ишлашдир. Чунки эски, алмисқадан қолган дастгоҳ-лар ёрдамида бугунги ҳари-дор дидига мос махсулот тай-ёрлаб бўлмаслиги кундай равшан бўлиб қолди. Бу бо-рада корхонада ҳам бирму-нча ишлар амалга оширила-ётганини қувоняридик.

— 1997 йилнинг 20 мар-тида Ўзбекистон Республика-си Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон миллий энци-клопедияси» давлат илмий на-شريятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорининг чи-қарилиши бизнинг корхона ривожига жуда катта роль ўйнади, — дейди фабрика директори Азимжон Рихсиев.

— Унинг 5-бандида респу-блика Давлат матбуот қўмита-сига энциклопедик нашрлар-ни ўз вақтида ва сифатли нашр этиш учун бизнинг кор-хонани замонвий техника ва технологиялар билан жиҳоз-лаш, нашриётга тегишли коғоз ва бошқа ашёлар билан таъминлаш чора-тадбир-ларини кўриш топширилган

Ҳамкасбларимиз



## «ОҚШОМ»НИНГ ЗУХРОСИ

Энди ўзим ҳам ўзгалардан шундай талаб қиламан.

Ийлар жуда тез ўтади. Бугун умрининг табаррук ёшида турган опамиз йўлларга қараса, улар беиз, бесамар кетмаганига амин бўлади. Кечагина эди сочлари кўнғирок қизалоқ Бухорои шариф кўчаларидан юриб мактабга борган. Кечагина эди, саккиз йиллик мактабни тугатиб озиқ-овқат санатои ходимлари курсига киргани, новвойнада лаборант ва-зифасида ишлагани, кечагина эди Тошкент Давлат уни-верситети журналистика фа-культетини тугатиб, «Ўзбеки-стон овози» (собиқ «Қизил Ўзбекистон») газетасида иш бошлагани, кечагина эди «Тошкент оқшом» газе-тасининг хатлар ва оммавий ишлар бўлимига мудири бўлиб келгани... Бугун эса Зухра Аъзамхўжаева Ўзбе-кистонда хизмат кўрсатган журналист, икки фарзанд-нинг онаси, бир неча на-

биранинг суюкли бувиси.

Зухра опа юриш-туриши, ахлоқ-одоби, чиройли кам-тарона кийиниши, ўзига оро бериши билан ҳам фарқла-ниб туради. Зеро, бугун у анчагина ёшни қоралаган бўлсада, гўзал қомаги, на-зоқату лағофатини йўқотма-ган. Унга қараб туриб, се-вимли шоиримизнинг қуйи-даги сатрлари беихтиёр ёдга келади:

Сиз моҳитобонсиз, малакисиз пари, Энг улкан дахрийлар топинган, санам. Сиз буюк давримнинг фидойилари, Аҳли дошларга Энг муноси ҳамдам.

Зухра опа ана шундай фидойи инсонлар сирасига қиради. Бугунги Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни муноса-бати билан Опанинг муҳлис-ларидан жуда қўллаб-табрик телеграммалари, дил изхо-ри битилган мактублар кел-ган. Уларнинг бирида шун-дай жумлаларни ўқиш мум-кин:

«Опақон, раҳмат. Кўрсат-ган ёрдамингизни сира эсимдан чиқармайман. Сиз-га қандай миннатдорчилик билдирсам экан. Ниятим шуки, одамлар, оилангиз, фарзандларингиз, набирала-рингиз бахтига ҳамisha соғ-омон бўлинг!»

Дилбар ИСАЕВА, Юнусобод тумани, Содик Азимов кўчаси, 10-уй, 28-хонадон. «Тошкент оқшом»нинг хатлар бўлимидаги хаворанг телефон бот-бот жиринг-лайди. Газетачилар ўз та-виш-юмушлари, юрак дард-лари, ҳар хил мақсад ва ис-таклари билан мурожаат эти-шад, идора ва жойларда тўғри бўлмаган ишлари тўғрисида шикоят қилишади.

Мен учун одамларга хиз-мат қилишдан ҳам ортиқ бахт йўқ. Зухра опа Аъзамхўжае-ванинг шiori ана шундай.

Махмуд КОМЛЖОНОВ.



## ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ АСОСИДА

эди. Ана шунга қўра биз аж-ратилган маблагга муқовалаш цехимизга Германиянинг «Колбус» фирмаси замонвий линиясини келтириб ўрат-дик. Хозирда қайта жиҳозлан-ган цехимизда қўл меҳнати қисқариб, унумдорлик икки бараварга ортди.

Айни кунларда эса корхо-нада ишлар нихоятда қизи-ган. Мактаб ўқувчилари учун лотин алифбосидаги дарс-ликлар чиқарилимоқда. Жамоа аҳли пойтахтимиздаги барча нашриётлар билан ҳамкор-ликда ишлаб, уларнинг бу-юртмаварини бекам-қўст ба-жариб беришади. Яқинда Президентимиз Ислам Кар-имовнинг «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» китоби бу ерда ўзбек тили ва лотин алиф-боси ёзувида босмадан чи-кди. Шунингдек, умумтаълим мактабларининг 7-синф ўқу-вчилари учун лотин алифбо-сидаги «Алгебра», «Физика», «Зоология» китоблари нашр этилди. Албатта, ушбу на-шрлар ўз сифати билан ота-оналар ва ўқувчиларни ху-шнуд этиши шубҳасиз.

Корхонанинг замонвий хорижий дастгоҳлар билан жиҳозланаётгани нафақат меҳнат унумдорлигини ор-тишга, балки ишчи-хизматчи-ларнинг моддий манфаатдор-лигини таъминлашда ҳам асо-сий омили бўлмоқда. Ўтган йилнинг охиригига қараганда жамоада ўртача иш ҳақи 23.652 сўмни ташкил этди. Шунинг-

дек, касабга уюшмаси томо-нидан дам олиш уйлари ва санаторий, профилакторий-лар имтиёзли йўлланмалар ажратилмоқда, ишчи-хизмат-чиларнинг фарзандлари таъ-тил даврида оромгоҳларда дам олишлари учун шартло-лар яратилмоқда. Шунингдек, байрамларда меҳнат фаҳрий-пенсияни йўқлаш, ишчиларни пенсияга кузатиш саналари ҳам жамоадаги меҳр-оқибат-дан, ҳамжихатликдан нишо-надир.

Жамоада қалб кўрларини шу соҳага бағишлаб, касбига фидойилик билан меҳнат қилаётган инсонлар жуда кўп. Қарийб қирқ йилдан буюн меҳнат қилаётган ҳарф теру-вчи Толиб Боймухамедов, шунингдек Илғорлар савида бо-раётган Азиз Азизов, Дилму-рад Султонов, Шокир Турсу-нов, Файрат Мўминов, Мубо-

рак Юсупова, Мукамбар Оловдиновалар ҳамкасбларига доимо ўрнак, шогирд-ларининг энг яхши устозла-ри.

Корхона меҳнат аҳли ўз касб байрамларини меҳнат-да ана шундай ютуқлар бил-лан қутиб олишмоқда. Кел-гусида улар барча цехлар-ни янада унумли хориж тех-нологияси билан жиҳозлаш, ана шу асосда рақобатбар-дош, сифатли ва арзон мах-сулотлар тайёрлаш ниятида. Зеро «Интилганга то ле» дейишади. Бозор иқтисоди-ёти шартинда эса ана шун-дай янгиликка интилиб, ҳамisha изланган корхона-лар аҳли ўз муваффақияти-ни таъминлашга қодир.

Шароф БАХРОМОВА. СУРАТЛАРДА: корхона ҳаётидан ланҳалар. Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.

# Коммунал хизмат: ҲИСОБЛИ ДЎСТ АЙРИЛМАС

«Бир неча йил бўлибдики, биз истиқомат қилаётган 9 қаватли уй хонадонлари қиш фас-лида умуман иситилмайди, чунки ертўладаги қувурлар чириб, яроқсиз ҳолга келиб қолган. Ижара корхонасига қилган арзларимиз беъ-тибор қолади, шу боис ҳам ушбу уйда исти-қомат қилувчилар коммунал хизматлар ҳақини вақтида тўлашмайди, — деб ёзди шайхон-тоҳурлик Қодир Муродов ўз хатида. «Ижара корхоналари фақат коммунал хизматлар ҳақини йиғадиган ташкилотмикан, деб ўйлаб қоламан, — дейди тахририятимизга қўнғироқ қилган мирободлик Гулчехра Фозилова. — Чунки қарийб 8 йилдирки уйимиз томидан чакка ўтади, қатнайвериб безор бўлдим. Ле-кин бирорта натижа йўқ. Ана шундай совуқ-қонлик, буюртмани вақтида бажармаслик ҳам коммунал хизматлар ҳақини вақтида тўламас-ликка асосий сабаб бўлади, менимча».

Тахририятимизга келаётган мактублар ва «ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ»га бўлаётган қўнғи-роқларда бундай шикоятлар анчагина. Ҳақиқатан ҳам бугунги кунда ҳаёт тақозосига қўра аҳолига уй-жой коммунал хизмати кўрсати-тиш ижара корхоналари (аввалги ЖЭК)нинг ишидан айни дамда кўпчилик қониқмайпти. Бундай ишончсизликка эса сифатсиз ишлар, навбат қутишлар, ижара корхоналаридаги бу-юртмачилар арзларига эътиборсизлик сабаб бўлмоқда. Натижада кўпчилик аҳоли ана шу нарсани рўқач, баъзида эса баҳона қилиб ком-мунал хизматлар ҳақини вақтида тўлашмаяп-ти. Шаҳримиз аҳолисининг — баъзиларнинг коммунал хизматлар ҳақда фойдаланиш иш-лари учун тўловлар бўйича қарзлари ортиб бормоқда.

Шуни айтиб ўтиш керакки, бугунги ҳаёт тақозосига қўра уй-жой коммунал хўжалиги-даги ана шундай муаммоларни ечишда, исло-хотларни амалга оширишда ижара корхона-лари ўрнига «Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғри-сида»ги қонунни асосида ташкил этилаётган ширкатлар катта аҳамият касб этиб, уй-жой эгалари ишончини оқламақда.

«Ширкатга айланганимиздан кейин ўтган йиллардаги муаммоларимиз, югур-югурлари-миз камайди, — дейди Бектемир туманининг «Сувчи» даҳасида истиқомат қилувчи Нафиса Абдукаримова. — Чунки ўзимизнинг яшаёт-ган уйимизга муносабатимиз ўзгарди, барча муаммоларни биргаликда ҳал эта бошладик. Кимки коммунал хизмат ҳақини вақтида тўла-мас, бу шу ерда яшаётганларнинг барчаси учун муаммо келтириб чиқаришини жуда яхши тушуниб олдик. Натижага ёмон эмас».

Ҳа, шаҳримизда олиб борилаётган тарғи-бот ишлари натижасида 60 талдан кўпроқ уй-жой ширкатлари тузилди ва муваффақият бил-лан фаолият кўрсатмоқда. Айниқса, ўзлари-нинг олиб бораётган ишлари натижасида му-аммоларни бартараф этишга муваффақ бўла-ётган Бектемир туманидаги «Эркин», Миро-бод туманидаги «Авлоний», Сергели тумани-даги «Жаҳонаро гулдастаси», Акмал Икромов туманидаги «Икромов» ширкатларини ибрат қилиб кўрсатиш мумкин. Уларнинг фаоли-ятидан шу нарсани сезиш мумкинки, ширкат аъзолари ортиқча исрофгарчилик, лоқайдлик ўзларининг ҳамёнларига зарар эканлигини, кераксиз сарф-харажатларга сабаб бўлишини англаб етишмоқда. Шу боис ҳам «Сен менга тегма, мен сенга...» қабилидаги жимжитлик бу ерда йўқ. Хизмат ҳақини тўлашга ҳамма биргаликда қайғуради, имкон топишга эри-шилмоқда.

Энди коммунал хизматлар учун қарздорлар ҳақида гапиралдиган бўлсак, уларнинг кўпчи-лиги баҳонадан нарига ўтолмайди. Уларнинг кўпчилигига иссиқ, совуқ сув, газдан фойда-ланиш ёқади, аммо пули қаттиқ қақади. Ахир халқимизда «Инсоф сайин барака» деган аjoyиб нақл бор. Бозор ёки дўкандан ўзин-гиз учун керакли нарсани бепул ёки насияга ололмайсиз-ку.

Жорий йилдан барча кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи уй-жой эгалари билан янги русумдаги шартномалар тузилди, унга қўра жарималар солиш бўйича чора-тадбир-лар кучайтирилган. Бу чора-тадбирларнинг бажарилиши шаҳар ҳудудий-коммунал фой-даланиш бошқармасининг доимий назорати-да. Лекин биз истардикки, шартномани ба-жариш бир тарафлама бўлиб қолмасин. Уй-жой эгалари ҳам масъулиятни ҳис этишиб, ижара корхонаси раҳбар ва ходимлари ҳам лоқайдлик ва сансалорликка, турли баҳона-ларга чек қўйинса, қарздорлар сафи камай-иб, эътирозларга ўрин қолмасди. «Ҳисобли дўст айрилмас» деган ибратли нақл шартно-ма тузувчиларнинг ҳар иккисига ҳам тегиш-лидир.

Шарифа МАНСУРОВА.

Савдо, матлубот кооперацияси ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ходимлари касб байрамларини нишонлашди



МАҚСАД — НАМУНАЛИИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

Хар бир байрамнинг ўзи яраша фойда бўлганидек, савдо, матлубот кооперацияси ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари ҳам касб байрамларини меҳнат мувофақиятлари билан яхши кайфиятда қўтиб олишди.

Шунингдек, аҳолига савдо хизмати кўрсатиш маданиятини ошириш, харидор ва савдо хизмати кўрсатувчиларга қўлайликлар яратиш мақсадида янги савдо ва умий овқатланиш шохбачалари фойдаланишга топширилди.

Шайхонтохур туманида «Шайхонтохур», Усмон Юсупов кўчасида «ГИФ Лабзак», Халқлар Дўстлиги кўчасида «ГИФ Дўстлик», Дўмбробод кўчасида «Дўмбробод савдо» супермаркет дўконлари, Яккасарой туманидаги У. Носир кўчасида «Алихон» ва «Чинор» қаҳвахоналари қайта ташкирланган ишга туширилди.

Бектемир туманида ишга туширилган «Тошкент улгуржи бозори» ҳам харидорга, ҳам тодбиркорга жуда яхши қўлайлик яратди.

«Олой бозори» очик туради хиссалдорлик жамиятида «Балиқ» павильони қурилиб, фойдаланишга топширилди, буюм бозори ҳам ташкил этилди.

Шоҳримизда айти кунларда 3000 дан ортиқ маиший хизмат кўрсатиш шохбачаси фаолият кўрсатмоқда. 2000 йилнинг биринчи ярмида 476 та маиший хизмат кўрсатиш шохбачаси очилиб, уларда 888 та янги ишчи ўринлари ташкил этилди.

Хулоса қилиб айтганда, соҳа ходимлари касб байрамларини муносиб ютуқлар билан қўтиб олиш билан бирга, бундан кейин ҳам ўз олдларига пойтахтимиз аҳолисига ҳар томонлама қўлай имкониятлар яратиш, намуналии хизматни тошқил этишни эзгу мақсад қилиб қўйишган.

Шоҳримизда айти кунларда 3000 дан ортиқ маиший хизмат кўрсатиш шохбачаси фаолият кўрсатмоқда. 2000 йилнинг биринчи ярмида 476 та маиший хизмат кўрсатиш шохбачаси очилиб, уларда 888 та янги ишчи ўринлари ташкил этилди.

Хулоса қилиб айтганда, соҳа ходимлари касб байрамларини муносиб ютуқлар билан қўтиб олиш билан бирга, бундан кейин ҳам ўз олдларига пойтахтимиз аҳолисига ҳар томонлама қўлай имкониятлар яратиш, намуналии хизматни тошқил этишни эзгу мақсад қилиб қўйишган.

Шоҳримизда айти кунларда 3000 дан ортиқ маиший хизмат кўрсатиш шохбачаси фаолият кўрсатмоқда. 2000 йилнинг биринчи ярмида 476 та маиший хизмат кўрсатиш шохбачаси очилиб, уларда 888 та янги ишчи ўринлари ташкил этилди.

Хулоса қилиб айтганда, соҳа ходимлари касб байрамларини муносиб ютуқлар билан қўтиб олиш билан бирга, бундан кейин ҳам ўз олдларига пойтахтимиз аҳолисига ҳар томонлама қўлай имкониятлар яратиш, намуналии хизматни тошқил этишни эзгу мақсад қилиб қўйишган.

СУРАТДА: Махмуд Юсупов ва Содик Рихсиев иш устида. Усмон Азизов олган сурат.

МИЖОЗЛАР МАМНУН

Мамлакатимизда бошқа соҳалар каби хунармандчиликка ҳам алоҳида эътибор қаратилаётган. Шу соҳа кишиларига давлатимиз томонидан шарт-шароитлар яратиши билан бирга турли имтиёзлар ҳам берилган.

Шоҳримизнинг Юнусов туманининг Аҳмад Дониш бозорига жойлашган кичкина пойбаз тузатиш устаносига келиб кетувчи мижозларнинг доимо кети узилмайди. Чунки у жойда ўз касбини севаучи моҳир усталар Содик Рихсиев ҳамда Махмуд Юсуповлар мижозларига қўнғилдагидек хизмат кўрсатишди.

Улар сидқидилдан қилган меҳнатлари тўғрисида аҳоли орасида турмуш ва эътиборга сазовор бўлишмоқда.

СУРАТДА: Махмуд Юсупов ва Содик Рихсиев иш устида. Усмон Азизов олган сурат.

Биз — ўзбеклар қадимдан болажон халқимиз. Фарзандларимиз қанча кўп бўлса, шунча суюниб, завқ-шавққа тўлаемиз. Хар бирининг ўзига хос қизиқ гап-сўзи, қилигидан бир қоп семирди, бахту қамолдини қутамиз. «Унта бўлса, ўрни бошқа, қирқат бўлса қилиги» дейишганидек, хар бир фарзанд нечоғлик ота-онасига сеvimли, ардоқли бўлмасин, у энг аввало ўз яхши хулқи-одоби билан азиздир.

Ота-бобо, она-момоларимиз такрор ва такрор таъкидлаганларидек, зурёдларни улар дунёга келган пайтлариданоқ асраб-авайлаб, гўзал тарбия бермоғимиз, яхши хулқ, кўркем одатларга ўргатмоғимиз лозим. «Яхши фарзанд «Есин» суги билан ўсиб, воғга етади», «Куш уясида кўрганини қилади», «Ким нима экса, ўшани ўради» деган ҳикматларда нечоғли теран маъно, мазмун борлигини ҳаёт кўрсатмоқда.

Афсуски, айрим ёшларнинг на катта, на кичинки иззат-ҳурмат қилмасликлари, на салом бериб, на алик олмасликлари, кўча-кўйларда бақириб-чақириб, курақда турмайдиган ноҳўя сўзларни баралла айтишлари, папирос, нос чекиб, дуч келган жойга туфлаб, атроф-муҳитни булгаб, маст-аласт юришлари, баъзи қизларнинг миллий урф-одатларимизга мутлақо ёт бўлган калта-култа кийимлар кийиб, ёшларига номуносиб, ортиқча пардозу андоз қилиб, туппа тузук сочларини қирқтириб, ёйиб, сақич чайнаб, писта чақиб, бўлар-бўлар асга ҳиринглаб юришлари ён-атрофдагиларга жуда хунук ва қулғили туолади. Бундай бе-одобгарчиликлар, бадхулқликлар жумласига жамоатчилик ичида айрим кимсаларнинг оғизларини қаррақдай очиб, узундан-узоқ ҳомуза тортишлари, оғиз-бурунни дастурмол билан беркитмай, кетма-кет йўталиб, акса уриб, атрофга минг-минглаб турли-туман юкмили касаликларини чақирувчи жонзотлар, микрообларни тарқатишларини ҳам қўшсақ, муаммо янада жиддийлашади.

Бунга ўхшаш салбий ҳолатларни деярли хар кун, хар дақиқада кузатишимиз мумкин. Энг ачинарлиси шуки, биз хар қадамда ўзимиз кўриб, сезиб турган бундай ноҳўш ҳолат, хатти-харакатларга негандир лоқайдимиз, бефарқимиз. Масалан дейлик, ўғил ёки қизимиз дастурхон олдида кўча кийимини ечмай, қўлини ювмай келиб ўтиради. Кела солиб, катталар борлигига қарамай, апил-тапил овқатга ташланади. Оғизидани чинаб улгурмай ёғли-роқ, ҳажми каттароқ, гўшт, мева-нева, ширинликка қўл узатади. Оғизда овқати бўла туриб, гапиришдан тинмайди, оёғини силқитиб, дам-бадам қимирлаб, силқиниб, йўталиб, ё акса уриб, керишиб ўтиради. Ахир, бу ўтаткетган беодоблик, тарбиясизлик, маданиятсизлик-ку! Бунинг олди ўз вақтида олинмаса, оқибати жуда хунук-ку! Қолаверса, бундай бадхулқлик, ориятсизлик бизнинг шарқона, ўзбекона, миллий урф-одатларимизга батамом зид, тесқарик-ку! Бу ҳақда дўпқини бир дақиқа бошдан олиб, ўйлаб кўрдимики? Энг муҳими, бундай номаъқул хатти-харакатлар ўзимизда ҳам борми? Қандай қилсақ, бундай ноҳўш кусур, қилиқлардан холис бўлаемиз, эл-юрт ичида масқарога тасқара бўлаемиз? Бу борада авлод-аждодларимиздан бирорта ибратли ривоятми, ҳикоятлар борми, улардан хабардорми?

Фарзанд тарбияси ота-она учун энг муҳим вазифалардан бири эканлиги ҳақида муборак ҳадис шарифда қуйидагилар айтилган: «Хар ҳандай бола туғилган пайтда покиза мусулмон бўлади. Кейин унинг ота-онаси яхшудий қилади ёки насоро қилади, ёки махсудий қилади», деб марҳамат қилинган. Демак, оилақоқ қайси миллатга ёки динга мансуб оилада дунёга келмасин, у туғилган пайтда қалби покиза, қандай тарбия берила бошланса, ўшани қабул қила оладиган бўлиб туғилади. Шундан кўриниб турибдики, боланинг келажакда яхши ёки ёмон инсон бўлиши ота-онасининг берган тарбиясига боғлиқ. Тарбияли фарзанд ота-онасига раҳмат, одобсиз эса лаънат келтирар экан.

«Фарзанд тарбиясида ота-она уч босқичга албатта риоя қилмоғи лозим. Биринчиси, туғилгандан то яхши-ёмонни фарқ қиладиган ёшгача фарзандни подшоҳ билиб, ўзи унга қулдек майин ва ширин муомалада бўлмоғи лозим. Иккинчиси, бола эсини таниган пайтдан бошлаб, то балоғат ёшгача ота-онанинг ўзи подшоҳ ўрнида бўлиб, фарзандга қулдек муносабатда бўлмоғи керак. Учинчиси, фарзанд балоғат ёшига етганидан сўнг эса ота-она фарзандига ўз яқин дўсти, сирдошидек муомалада бўлмоғи жоиз.

«Ҳақиқатан ҳам ёш бола хоҳласангиз ҳам, хоҳламангиз ҳам подшоҳлик мақомида бўлади, истаган пайтда инжиқлик қилади, айганини қилдиради, танлаганини олдиради. Подшоҳнинг амри вожиб бўлади. Шундай пайтда болани ўқитмасдан, кўнглини чўқтирмасдан айтган вазифаси бажарилса, унинг кўнглида ота-онасига нисбатан чуқур ишонч, меҳр-муҳаббат пайдо бўлади, кейинчалик ота-онасининг гап-сўзлари унинг урч қўнғига айланади. Бунинг акси ўлароқ, бола аста-секин балоғат ёшгача яқинлашгани сайин, унга қаттиққўллик ва доимий назорат зарур бўлади. Чунки балоғатга етиш пайти хар қандай ўғил ёки қизни ҳам ҳаяжон, хирсу ҳавасга бериладиган, айни пайтда куч-қуввати, ғайрату шижоати ортиб, юрагида жўш уриб турган маълум бир интилиш, истеъдодини намойиш қилиб, уни рўбга чиқариш даври ҳамдир. Шу пайтда фарзанднинг улфатлари, яқинлари кимлиги суриштирилмаса, боланинг хулқ-атвориға бадфарқлик билан қаралса,

кейинчалик ўнглаб бўлмайдиган хатога йўл қўйиш мумкин. Бунинг оқибати жуда қимматга тушиши эҳтимолдан узок эмас. Агар ота-она ташаббусни ўз қўлига олиб, фарзандини маълум бир касбу хунарга ўргатса, тарбияласа, фарзанди бебаҳо хазина, гавҳарга айланади. Акс ҳолда кейинчалик фарзанд ота-онасидан домонгир бўлиб қолиши ҳеч гап эмас. Зеро, хар бир ноқобил фарзанд отилган тош каби ота-она бошига берги таъди, уни жароҳатлайди.

Фарзанд балоғат ёшига етиб, мустақил фикрлаш қобилиятига эга бўлганидан сўнг, унга нисбатан бўладиган муомала тамоман ўзгартирилиши лозим, яъни у билан яқин тенгдош, сирдош дўст, ўртоқ сифатида гаплашиш жоиз. Кўпчилик масалалар, ҳаётий муаммоларнинг оқилона ечимини топишда у билан маслаҳатлашиш, билдирган фикр-мулоҳазасини эътиборга олиш, вақти келса, яхши сўзлар билан унинг кўнглини кўтариб, рағбатлантириш зарур. Шундай қилинган тақдирда кейинчалик унинг бошқаларга ҳам ақли, жўяли маслаҳатлар беришига имконият яратилади.

Бу ибратли ривоятлардан хулоса чиқариш, XXI аср бўсағасида эзгу орзулар билан яшаётган баъзи фойил, шуурсиз кимсаларнинг кўз-қулқоқлари очилиши зарур. Токи улар ўзларининг пушти қамарларидан бўлган фарзандлари хозирги кунда тўқилмақ шўхлик қилиб, босар-тусарларини билмай, шохона яшаб, енгил машиналарда қўлдай ўчиб, уларни «ота», «она» дейишга тиллари бормай, «папаша, мамаша, старик ё старуха, бобой ёки момой» дейишгапти. Ота-оналари ҳаётлик чоғида уларни хор-зор қилиб, ўнганларидан кейин қоп-қоп гуруч дамлаб, сохта обрў, эътибор топиш учун ҳўжақўрсинга катта тантанамас, маросимлар қилишгапти. Бу ниманинг оқибати? Шундай экан, хар бир ота-она келажак авлод-аждодлар руҳи олдида бугунги кундаги хар бир хатти-харакати, фарзанди тарбияси учун масъул, жавобгардир.

Янги авлодини, янги жамият кишисини хар томонлама етук, баркамол қилиб етиштириш учун уларни ёшлигидан бошлаб қадам-бақаддам тарбиялаш зарур. Зеро, Шайх Саъдий Шерозий ёзганларидек: **Кимгаки ёшлигидан берилмас одоб, Улайғач бўлади бахтис, дили гиш.** **Ҳўи навода эилар қай ҳолда эсанг,** **Куруқчи тўрлар фақат ўт-отани!** Шу маънода муқтарам Юртбошимиз ташаббуслари билан 2000 йилнинг Соғлом авлод йили деб эълон қилинишида катта рамзий маъно, мазмун бор. Чунки, дунё ўткинчи, аммо қайтар дунёдир. Ҳаётда қандай яшаш, мустақил юртимиз, дийёримизни гуллаб-яшнатгани, уни ёт кўз, ғаламислардан кўз қорачигидек асраб-авайлаш хар томонлама етук, ақли, одобли, иймон-этиқоди мустаҳкам, фойдой, мард, жасур ёшлар, авлодлар қўлидадир. Шунинг асло унутмаслигимиз лозим.

Искандар РАҲМОН.

ШАРҚ ДУРДОҚЛАРИ ОЗ-ОЗ ўРТАНИБ ДОМО БУЛАВ...

Агар киши эҳтирон ва эътибор гавҳарини қидирувчилардан бўлса, гавҳар каби яширин бўлсин, токи уни изловчилар орзу гаввоси билан қўлга киритсинлар. Агар аксинча эътибор тамғасини нафс итнининг бўйнидан олиб, гадолар каби қўлини очиб, ўткинчиларга тама қўзи билан боқадиган бўлса, теғирмондек саргадон айланиб қорин тўйдириш пайида бўлса яхшиси обрў тилашни бир чеккага йиғиштириб, тиланчилик қилгани маъқул.

Ийғитни балоғат ёшгача етиши билан уйлантириб қўймоқ зарур. Шунда у зино қилиш пайига тушмайди, одамларнинг номусли қиз-жувонларига ёмон назар билан қарамайди. **Бархурдор ибн МАҲМУД.** **ҲИҚМАТ.** Энг яхши хотин шундай хотинки, у хаёли ва ориятли бўлади. Энг муҳими оилада тўкин-сочинлик ва бараканинг сабабчиси бўлади. **Бир киши олдинга келиб, бировни ғийбат қилса, уни рост айтган деб ўйлама.** Балки уни бу феълдан қайтар. **Ўзинг ҳам бундай сўз ва феълдан хазар қил!** **ҲИҚМАТ.** Сукрот ҳақим айтди: — Олам адолат билан пойдор, зулм билан эса хору зор! **Байт:** **Зулм асосига қурилган бино** **Ғазаб оташидан вайрон бўлажак!**

**Муиниддин ЖУВАЙНИЙ.** **Ошқора айтилган таъна** кўнғилда яширилган гинадан яхши. **Гулу молга бўлган ташналик** сувга бўлган ташналиқдан кўра даҳшатлироқ. **Жавобга шошилган киши** хатога йўл қўяди. **Болалар ўз оталаридан мерос қилиб оладиган** уч афзал нарса бор: хушмуомалалик, одоб ва садоқат.

**Муҳаммад ЗЕХНИЙ.** **ҲИҚМАТ.** Инсон гўзаллигининг асоси унинг чиройли хулқидир. **Чиройли хулқ билан инсон инсондир.** **Четдан боқсанг шаки ҳаммаси бир хил.** **Рангу ҳиди билан фарқи билинар.** **Ёшлиқда бир хил бўлган «зулу сил»!** **Бир ҳақимдан:** «Хушхулқ киши қандай киши?» деб сўрадилар. **Ҳақим:** «Ҳеч нарсадан ранжмай-диган киши!» деб жавоб берди. **Ёмон хулқли киши ҳақида сўраганларидан эса:** «Ёмонлик билан яхшилик ўртасидаги фарқни билмайдиган киши!» деб жавоб берди.

**ХУРРАМИЙ.** **Меҳмонга борганингда** уй эгасидан сув ёки тузгина сўраб олишинг мумкин. Булардан бошқа нарсаларни сўраб олиб ейиш беодоблик ҳисобланади. **Бир меҳмон:** «Меҳмон учун мезбоннинг тўқилгидан кўра зарарлироқ нарса йўқ», деб ҳазиллашган эди. **Чунки меҳмоннинг олдига овқат олиб келинса-ю мезбон овқат еб, тўйиб олган бўлса меҳмон бемаъл еяолмаслиги мумкин.** **Меҳмонда улғу одамлар ўтирган бўлса овқатга** улардан олдин қўл узатма, овқат олиб чиқиладиган томонга қарайверма.

**«Фавоқиҳ ул-Жуласо»дан** **Ҳақимларнинг айтишича,** шижоат ва саховат ва хушфеъллик энг аъло фазилатлар бўлиб, бу сифатларга эга бўлган кишилар доимо улғулик сармосидан баҳрамандлик топанлар. **Мазкур сифатлар** ичида хушхулқлик алоҳида диққатга сазовордир. **Негаки,** шижоатга аҳён-аҳёнда иш тушади. **Саховат олий фазилат бўлса-да,** у барча муяссар бўлавермайди, унинг урдасидан чиқиб учун кишига хар шил шарт-шароитлар керак. **Аммо хушхулқлик шундай насаки,** унга барча одам ета олади. **Ёқимли хулқ эгасидан бошқаларни хурсанд қилишдан ташқари ўзи ҳам доимо хурсанд юради,** бошқалардан эса ўзига муҳаббати ва мулоиймлиқ қайтади. **Қўтга:**

**Абдуий саодатинг қалити хушфеълликдир,** **Аммо унга баъзилар доим муяссар эрмас!** **Абулбарокот Қодирий.** **ҲИҚОЯТ.** Нўмон ибн Мунзир араб халифаларидан эди. **Бир куни чарчаб,** ариқ лабига келиб ўтирди. **Шу пайт унинг лақмағўйи ходимларидан бири:** — Агар бир кишини шу ариқ лабига келтириб сўйилса қони қайси томонга қараб оқаркин? — деб қолди. **Нўмон:** — Бунинг сенда синаб кўриш керак! — деди-да, уни шу ариқ лабига сўйишга буюрди. **Ўз мақомида** ва жойида айтилмаган сўз одамнинг ўзига душман бўлади. **Бошида ақли кам бўлса кишининг,** **Тилида сўзи кўп бўлади, дилдор!**

**Ибн КАМОЛПОШШО.** **Бир кишининг уйига бир неча меҳмон келган эди.** **Мезбон уларни яхшилаб меҳмон қилди.** **Овқат еб,** чой ичиб бўлдилар. **Улар яна узоқ ўтиришди** ва туршишни ҳали хаёлларига ҳам келтиришмасди. **Уй эгасининг меҳмонларга рўхсат бергиси келар,** аммо бекорчи меҳмонлар хен қўзғалишмасди. **Мезбон:** «Энди сизларга рўхсат» дейишга ҳеч ботинолмасди. **Улар тушунишармикан деб,** либосини ечиб, оёқларини узатиб ўтирди. **Меҳмонлар шунда ҳам кетиш ҳақида оғиз очинмади.** **Шунда у уй эгасини очди,** ичкари ҳовлига қараб, ўз хотини билан гаплашайтган киши бўлиб: «Хозир, хозир туришгапти!» деди. **Бир ёш бола катталар билан меҳмонда бир товоқдан овқат ер эди.** **Овқат иссиқ бўлиб,** боланинг қўли қуйиб ея олмади. **Сўнг йиллашга тушди:** — Нега йиллашсан? — сўрашди ундан. — Овқат иссиқ экан, ея олмайман, — деди бола. — Бўлмаса бир оз сабр қил, совийди! — дейишди унга. — Сабр қилишга-ку, қиламан-а, аммо сизлар тўхтаб турмайсизларда! — деди бола.

**«Фавоқиҳ-ал-Жуласо»дан.** **Махмуд ҲАСАНИЙ таржималари.**

Бугун — Халқаро гивандликка қарши кураш куну

ЯНГИ АСР «ОҚ АЖАЛ»ДАН ҲОЛИ БЎЛСИН

Шу маънода кўплаб жамоат ва давлат ташкилотлари, таълим-тарбия ва ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан ушбу иллатнинг олдини олишга бағишланган чоратadbирлар ўтказилаётганлиги қувонарли ҳолдир. «Камолот» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлимининг ҳам бу борада амалга ошираётган ишлари ибратлидир.

«Камолот» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлимининг ҳам бу борада амалга ошираётган ишлари ибратлидир.

«Камолот» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлимининг ҳам бу борада амалга ошираётган ишлари ибратлидир.

«Камолот» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлимининг ҳам бу борада амалга ошираётган ишлари ибратлидир.

«Камолот» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлимининг ҳам бу борада амалга ошираётган ишлари ибратлидир.

«Камолот» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлимининг ҳам бу борада амалга ошираётган ишлари ибратлидир.

Саломатлик



ФАЙЗЛИ ШИФО МАСКАНИ

Саломатлик — туман бойлик, дейди доно халкимиз. Бу гапда катта маъно бор, албатта. Инсон соғлиги хамма нарсадан қиммат ва азиз. Саломатлигимиз посбонлари бўлиши шифокору хамширалар халқимиз соғлиги йўлида тинмай гамхўрлик ва фидойилик кўрсатиб келмоқдалар.

Мамаклатимизда кўплаб шифо масканлари, дам олиш уйлари, касалхона поликлиникалар, санаторийлар мавжуд бўлиб, у ердаги малакали, қўли енгил, ширинсухан тиббиёт ходимлари халқимиз дардига малҳам бўлмоқдалар. Шаҳримизнинг Миробод туманида жойлашган Федорович номи клиник санаторий ҳақида билмаган ва эшитмаган киши бўлмаса керак. 1926 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган ушбу шифо масканда ҳам қанчадан-қанча хамшираларимиз қўнгилли хордик чиқариб, ўз дардларига шифо топиб келаяптилар. Бу ердаги саражон-саришталлик, озодалик, ҳушмуомала ҳамда ўз касбининг фидойи ва малакали шифокору хамширалар хизматидан дам олувчилар бениҳоя мамнун бўлиб кетмоқдалар.

Санаториймиш 120 ўринли бўлиб, дам олувчилар учун хамма шарт-шароитлар мўжайиб, — дейди биз билан суҳбатда Федорович номи клиник санаторийнинг даволаш ишлари бўйича бош шифокор ўринбосари, тиббиёт фанлари номзоди, доцент Мавжуда Алимова. — Бу ерда юрак-қан томир, бўғим касалликлари, ошқозон-ичак, эркаклар ва аёллар бепуштлиги ва сундуқли шомлаш, асаб касалликларига учраган беморлар даволашни ҳам қўнгилли дам оладилар. Айни кунларда дам олувчилар учун турли хил даволаш муолажалари — замонавий электр аппаратли, ёруғлик, сув муолажалари, магнит, игна, барокамералар, ўқалаш, даволаш бадан тарбияси, ҳар хил тренажорлар, жами 120 дан ортик даволаш усуллари мавжуд. Замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган ушбу масканда ўз касбининг жонқуяр ва малакали шифокор ва хамширалар беморлар дардига малҳам бўлмоқдалар. Шунингдек, бу ерда турли мутахассисликлар бўйича 15 та олий тоифали шифокорлар, 2 та тиббиёт фанлари номзоди, доцентлар ҳамда 50дан ортик қўли енгил, чаққон ва ҳушмуомала хамширалар хизматидан дам олувчилар доимо миннатдорлар.

Санаторий 1995 йилдан бошлаб хусусийлаштирилиб, юз фоиз пуллик хизмат кўрсата бошлади. Кўплаб янги замонавий диагностика аппаратлари, лазер ва умумий барокамералар ўрнатилди. Шунингдек, келгусида дам олувчилар учун эски биноларини қайта таъмирлаб, сув ҳавзалари, сауна қуриш мўлжалланмоқда. Шу билан бирга машиний хизмат хоналари барпо этиш режалаштирилган. Ушбу маскан пуллик хизмат кўрсатишига қарамай, бу ердаги қулай шарт-шароитлар, даволаш усуллари-нинг кенг миқёсда самарали олиб борилиши тўғрисида дам олувчилар ва навбатда турганлар сони кундан-кунга ошиб бормоқда.

Ҳа, ҳақиқатан, шифо масканини айланар эканмиз, бу ердаги осойишталик, озодалик, ҳар бир хоналарга ўрнатилган радио, телевизор, ҳолодильниклари кўриб, яратилган қулайликлардан дам олувчиларнинг бениҳоя мамнун эканликларининг гувоҳи бўдик. Ушбу дам олиш масканида олий тоифали шифокорлар Гавхар Қосимова, Людмила Матхаликова, Маъсуда Йулдошева, Людмила Ногай ҳамда ўз касбининг жонқуярлари, ширинсуз хамширалар Раъно Комилова, Гулнора Расуллова, Луиза Минвалиева, Саодат Расулловаларнинг хизматларидан дам олувчилар айниқса миннатдор.

Бу шифо масканига нафақат республикамизнинг турли бурчақларидан, балки ҳамдўстлик мамлакатларидан ҳам даволаниш учун келаётганлар сони ошиб бораётган экан.

— Мен Қашқадарёдан ушбу санаторийга келиб даволаняман, — дея суҳбатимизга қўшилди кўп болали онахон Марҳамат Юсупова ўз дил сузларини мамнунлик билан изҳор этар экан. — Бу ердаги озодалик, кеҳсиз гамхўрлик ва турли-туман даволаш муолажаларининг мавжудлигини жуда хурсандман. Қон босимим юқорилик, оёқ оғриғи билан келгандим. Ҳушмуомала шифокору хамшираларнинг хизматидан бошим осмонга етди. Ҳозир ўзимни анча енгил ҳис қиламан. Қўларни дард қўрмасин, минг раҳмат уларга. «Мен сиздан даво топдим, жонга жон шифокорлар» дегим келади.

Бундай миннатдорчилик туйғуларини бошқа дам олувчилардан ҳам эшитган, қўнгилмиш тоғдек кўтарилиб, шифо масканидан қайтдик. Ҳа, жаннатмақон Ўзбекистонимиздаги бу санаторий минглаб дам олиш масканларидан биттаси. Улкаимизда мана шундай макташга арзийдиган файзли, хушманзара шифо масканлари кўплаб топилди.

Дилором ИКРОМОВА.

СУРАТЛАРДА: санаторийнинг бугунги ҳаётидан лавҳалар акс эттирилган.

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.



Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ  
Манзилмиш: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39, факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табақ офсет усулида босилади. Қўғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

«Шарқ» нашриёт-матбао концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

КЕЧИККАН ПУШАЙМОН

Турмуш чорраҳаларида

сарога айланди: аянинг насиҳатларидан кейин Азизбекдан узоқ вақт дарак бўлмади. Онаизор охири дардини Дўсмаат акага ёрди. Муаллим аянинг рабини қайтармади: Азизбекдан ҳабар олгани шаҳарга овланди.

Дўсмаат аканинг шаҳардан олиб келган ҳабар аяни адоий тамом қилди. Остона хатлаб кўчага чиқолмай қолди. Умр бўйи касаллик нималигини билмаган ая юраги хасталаниб икки ой шифохонада ётиб қолди. Дўсмаат муаллим аяга таскин беришга ҳаракат қилди:

Шарофатдан, Азизбек сафарда экан, қўшнисиникида бўлдим... Ҳулла, ўзингизни қўлга олиг. Тақдирга тан бермай иложимиз қанча. Ўзингиз ўзи билан бирга ўқиган кизга уялинибди. Қўзинг отаси амалдор экан: ўқингизни ҳам ёнига олибди. Дангиллама ҳовли олиб берибди. Катта бир ресторанда тўй қилиб ўқингизнинг қўлига ян-янгил енгил машина

калитини тутқазди. Қўшнисининг айтишича, тўй шошилиқ ўтибди. Сабаби тўрғисида қўшиси ҳам тайинли бир гап айтмади. Қўшиси яхши одам экан — аҳолининг дархол тўшунди. Тайинлаб келдим. Худо хоҳласа ўқингиз билан келингиз яқинда келиб қолишад. Тўйнинг давомини шу ерда қиламиз. Элу юртга ош берамиз. Мўҳими — соғлигингизни ўйланг. Ишқилиб қўша қаринсан.


Дўсмаат муаллимнинг таскинлари аянинг ўқисик қўнглига бизил малҳам бўлгандай бўлди. Лекин уялангани хабаридан кейин ҳам ордан олти ой ўтди. Азизбекдан хануз ҳабар йўқ. Аянинг аҳоли эса тобора оғирлашиб борапти. У тақдирга тан берган. Эндиги ягона ордуси — ўғли билан келинини кўзи очкилигиде бир мартагина бўлса ҳам кўриб қолиш.

Ая Хосиятдан отасини қақриб чиқилиши сўради. Дўсмаат ака аянинг ёнида анча вақт қолиб кетди. Ая муаллимдан нималарнидир илтимос қилди. Йиллаб-сиктаб аллақандай хат ёзди...

Эл орасида юрәвериб, кўпни кўриб кўзи пишиб қолган Дўсмаат муаллим кизига аяга кўз-қулук бўлиб туришини, уни ёлғиз қолдирмаслигини тайинлади. Махалла оқсоқоллари, қўни-қўшиллар билан маслаҳатлашиб шошилиқ шаҳарга жўнади. ...Дўсмаат муаллим бу гал ҳам Азизбекни учратолмади. Қўшиси билан узради-ю тарвузи қўнглидан тушди: Азизбек хотини билан ушбу шаҳарга дам олгани кетибди. Эртаиндин келиб қолишлари мумкин эмас. Дўсмаат ака кўшига аянинг аҳолини тўшунтирди. Азизбекка қисқачина хат қолдирди-да, кўнгли безовталаниб қилмоқда ошқиди.

Дўсмаат ака қилмоқда кела-келгунча кўз тикиб ётган аяга ўғли ҳақида нима дейишини ўйлаб боши қолди. Лекин Дўсмаат ака бемор ўғлининг йўлга кўз тикавериш толиқ-қан аяга таскин бериш учун йўлда уялаб келган сўзларини айтишга улгурмади — «Бу ёрғу дунёдаги ягона умид қолдизим, ҳаёт шамчирогим» деб фарзанди йўлга эрт-интириб бўлган онаизор армон билан ҳаётдан абадий кўз юмди. Ножобил фарзанд — Азизбекка ўзи емай-едирган, қиймай-қийдирган волидасини ҳеч бўлмаганда охириги йўлга кузатиш, тобутини кўтариш, қабрига бир ҳовуч тупроқ ташлаш ҳам насиб қилмади...

Азизбек киндик қони тўқилган уйига кириб келганда аянинг еттиси ҳам ўтиб бўлганди. Дўсмаат ака ҳатто одамга ўқшаб йиллашни ҳам унутиб юборган, дийдаси қотиб кетган Азизбек...



Мактабларда сўнги кўнгирик қалиниб, ўқувчилар таътилга чиққанларига қарамай ушбу қадрдон ўқув юртларининг бағри ҳувилаб қолгани йўқ. Ҳозир ўқувчилар мактабларда очилган турли хил фанлар бўйича тайёрлов курсларига ўз билимларини ошириб, олий ўқув юртларининг кириш имтиҳонларига пухта тайёргиллик кўрмоқдалар. Рустам Шарипов олган сурат.

Эҳтиёткорлик зарур

Ёғи ёнган ҳавфи ортган даврда ёнган ҳавфсизлиги чора-тадбирларини кўчайтириш ҳақида пойтахтимизнинг барча қорхона, ташкилот, муассасалар раҳбарларига ҳамда шахар аҳолисига МУРОЖАТИ

2000 йилнинг 5 ойи мўбаийнда шаҳримизда 772 ёнган содир бўлиб, шундан 256 ёнган қуриган ўт-ўланларни ва ахлатларни ёққандан қийдан.

Ёнганларнинг таҳлили шуну кўрсатдики, ёғи ёнган ҳавфи ортган даврда ёнганларнинг олдини олиш учун шаҳримизнинг халқ ҳўжалиги жабжалари раҳбарлари, фуқаролари қўшимча чоралар қўришлари лозим.

Ёнгандан сақланиш учун қўйидагиларни эслатиб ўтамиз:

— халқ ҳўжалиги жабжалари ва турар жойлар ҳудудлари қуриган ўт-ўланлар, ёнғунан махсулотлар ва ахлатлардан тозалаш чораларини зудлик билан қўришлари шарт. Уларни ёқиб юборишга йўл қўйилмасин;

— ёнғунларда, ертўлавларда ва бошқа ёнғунан махсулотлар сақланаётган жойларда сизарета чекилмасин. Учирлимаган сизарета қолдиқларини дурч келган жойга ташланмасин;

— ҳудудлар биланччи ўт ўчириш анжомлари билан тўла таъминлансин;

— қуриган ўт-ўланлар ва ахлатлардан ёнган, чиққанда зудлик билан ўчиришга киришинг.

Ўзингизга бино қўйманг...

Ҳаммамиз ҳам ҳаёт йўлида ози-кўпми — «ўзига бино қўйган», яъни тақаббур одамларни ҳам учратиш турамин. Бундай одамлар ўзларини жуда балад қўйиб, бошқаларни «наст даражадаги махлуқлар» деб ўйлашлари мумкин. Албатта, бизнинг давримизда ўзига, ўз куч ва имкониятларига ишончи яхши фазилат. Лекин у шухратрастликка, манманликка айланди кетадиган бўлса — у қолда бу фазилат нуқсонга айланади. Куйидаги тест саволлари сизнинг ўзингиз ҳақингиздаги фикрларингиз қанчалик ҳолислигини билиш олишингизга ёрдам беради.

«Ҳа» ёки «Йўқ» деб жавоб беринг.

- 1. Ичингизда, бошқаларни ўзингиз ёмонроқ деб ҳисоблайсизми?
2. Сизни дархол танийдиган даврларда, зиёфат ва бошқа тадбирларда бўлишни ёқирасизми?
3. Дўстингизга хат ёзаётганингизда «мен», «менинг фикрим», «менга» деган олмош сўзларни қўй ишлатасизми?
4. Атрофдагилар сизнинг фазилатларингизни яхши қадрламаётгандек туюлдида?
5. Имзонингиз жимжамидор ва диққатни тортадиган ҳолатда?
6. Кўзгуда ўзингизга тикилишни ёқирасизми?
7. Гудакка сизнинг исмингизни қўйишса бу билан мактанган бўлармидингиз?
8. Сизнинг исмингиз тақорланаётганини эшитиб қолсангиз,

«01»

— халқ ҳўжалиги жабжалари ва турар жойлар ҳудудларига, ўт ўчириш сув ҳавзаларига ўтиш йўллари тўсиб қўйилмаган бўлиши ҳамда ушбу сув ҳавзалари сув билан тўлдирган бўлиши лозим; электр газ таъминлаш ишларини ўқазиб жойлари ёнғунан махсулотлардан тозаланган бўлиши ва бирламчи ўт ўчириш анжомлари билан таъминланган бўлиши шарт;

— ёнғун бўғтолари, техник қаватлар ҳамда ертўла эшиклари қўнғиланган ҳолда сақланиши керак;

— агарда ўйда ёш болалар қолса, ҳар томонлама эҳтиёт чоралари қўрилинсин. Тега аланга олғунан ва ёнғунан нарсалар улар қўли етмайдиган жойларда сақлансин. Эслаб қолинг: болалар катталарга тақлид қилиб, ёнган сабаб-чилари, қўнғина қўрбонлари бўладилар.

Ёнган чиққан тақдирда зудлик билан «01» рақами орқали ўт ўчириш қисмига ҳабар қилинг, ёнган манзили, нима ёнаётгани ва қим қўнғирок қилгани ҳақида айтишини унутманг.

Шу билан бирга бирламчи ўт ўчириш воситалари билан ёнғунани ўчиришга киришинг. Агар хоналарда одамлар қолган бўлса, уларни кутқаришини ташкил этинг. Ўт ўчириш бўлинмалари етиб келиши билан уларни ёнаётган хона ёки бинода одам қолган, қолмагани ҳақида хабардор қилинг.

Азиз хамшираларимиз! Оловдан фойдаланишда ҳамма эҳтиёт чораларини қўрғандагина, ўз уйингизда ва иш жойингизда ёнган чиққилишини олдини олган бўласиз.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЧКИ ИШЛАР БОШ БОШҚАРМАСИ ЕНГИДАН САҚЛАШ БОШҚАРМАСИ

Мен кимман? Қандай одамман?

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзиларни, таваллуд кунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қўнғоларни, ниқоҳ эълонлари ва шунча ўқаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади.

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-29-09. МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204 -ХОНА.

- одатда ўзингиз ҳақида яхши гаплар айтилаётми деб ҳисоблайсизми?
9. Сўзсиз сизга бўйсунмайдиган бирон жониворни боқисини истар-мидингиз?
10. «Е» ҳарфини ёзаётганингизда унинг тепасига икки нуқта ёки икки доирача белгисини қўясизми?
11. Одамлардан ўзингизни узоқроқ тўтиб, улар сизнинг ҳаққий қимматингизни ҳеч қанча билонмайдилар ва Сизни муносиб қадрлай олмайдилар деб ҳисоблайсизми?
12. Дўстларингиз танқиди сизнинг ғашингизни келтирадими? Тўплаган балларингизни ҳисобланг.
1. Ҳа — 5 2. Ҳа — 5 3. Ҳа — 3
4. Ҳа — 5 5. Ҳа — 5 6. Ҳа — 5
7. Ҳа — 3 8. Ҳа — 5 9. Ҳа — 5
10. Ҳа — 5 11. Ҳа — 5 12. Йўқ — 5
45-66 балл. Бу ўзингиз ҳақингиздаги фикрингиз тўри эмаслигини оғохлантирувчи кўрсаткич. Атрофдагиларга қараганда сиз кўпроқ ўзингизга ёқар экансиз.
26-44 балл. Агар ўзингизнинг фазилатларингизга унчалик кўп бино қўймасангиз, дўстларингиз анча кўпайган бўларди.
15-25 балл. Хотиржам бўлишингиз мумкин.
0-14 балл. Эҳтимол, сиз ўз қадрингизни унча билмасангиз керак.